Ушбу кунларда «Оила ёхуд вазоифи хонадорий» номида форсча ёзилгон 200 сахифалик улуг бир китоб кўлимга тушди. Китобнинг мухаррири диний, ижтимоий, ахлокий илмларда кенг маълумоти бўлгон мухтарам биродарим Абдурауф Фитрат афандилигини англаб камоли ихлос ва рагбат ила бошдан охиригача мутолаа этдим ва кўб мустафид бўлдим. Мен 12 йиддан бери турк-татар матбуотини таъкиб этуб, оила хусусида муфассал ёзилгон мундай бир китобга хануз тасодиф этмаган эдим.

Фитрат афанди ижтимоий хасталикларимизнинг энг ахдликларини оилаларимиздан топмиш ва аларнинг иложини хам камоли муваффакият ила очик суратда баён этмишдир. Китобда хотун олмокнинг шаръий тарикаси, эр ва хотуннинг вазифалари ва болаларнинг баданий, ахлокий ва фикрий тарбияси, етим ва хизматкорларнинг хукуки оят ва хадис ила муффасал суратда баён этилмишдур.

Хусусан, хотунларнинг ислом назарида хукуки, тааддуди завжот (кўб хотун олмок)нинг мушкиллиги ва ахлокий зарарлари, тааддуди завжот учун адолатнинг шартлиги ва бу шартнинг риояси нихоятда мушкул бўлуб, онинг учун адолат бўлмагонда бирдан ортук хотун олмокнинг шаръий дуруст эмаслиги, талокнинг кайси вактда жоизлиги далиллари ила муффасал ёзилмишдур.

Хулоса: бир ислом оиласининг масъуд ва бахтиёрлиги учун хар нимаки лозим бўлса, барчаси ушбу китобда мубиндур. Китоб Бокуда «Мактаб» матбаасида босилмишдур.

Китобнинг устида ёзилгон бахоси 2 сўм 5 тийин бўлуб, ношириннинг адреси ушбудир: Эски Бухоро, китобхонаи ширкати «Маърифат», Мирзо Абдулахад Манзум.

Шуни хам ёзамизки, мазкур китобнинг уч камчилиги бор:

1) Туркистон шева туркийсида ёзилмаганлиги.

2) Фихристсизлиги.

3) Охирида хато-савоб жадвали йўклиги. Туркистонда ёлгуз 2-3 юз минггина форсча биладургон мусулмонларнинг хотири учун китоб форсча тилда ёзилиб, аммо бир неча миллиюн Туркистон турклари риоя килинмай китобнинг туркча ёзилмаслигига сабаб на бўлса деб, хар кимнинг хотирига бир савол келур эди. Мана ушбу саволи мукаддарга мухаррир афанди жавоб бермокчи бўлуб, китобнинг мукаддимасида баёни маъзурат этмишдур.

Рисолаларга, билхосса мундай улуг ва мухим асарларга бир фихрист илова этмак ва бир хато-савоб жадвали кўшмок мутолаа хаваскорларига бир рахнамолик вазифасини ифо этадур. Шунинг учун китобнинг мухтарам фидокор ноширидан ўтинар эдикким, хозирда хам бўлса, бир фихрист ва бир хато-савоб жадвали тартиб этуб, китобнинг охирига илова этсалар эди.

«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 22 сентябрь